


«Ўзэкспомарказ»да кеча «Автомобиль ва бутловчи қисмлар – Auto&Parts Uzbekistan», «Транспорт ва Логистика – TransUzbekistan», «Йўл қурилиши ва коммунал техника – UzComak» ва «Кимё саноати – Chemie Uzbekistan», «Пластмасса саноати – Plastex Uzbekistan» кўргазмалари очилди.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДАГИ ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Узкимёсаноат», «Ўзбекистон темир йўллари», «ЎзавтоЙўл» давлат-акциядорлик компаниялари, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар ва «Тошшаҳартрансизмат» уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

ли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ички ташувларнинг 65 фоизи автомобил транспортари улушига тўғри келади. Ташилладиган юк ҳажмининг ўсиши, транспорт тармоқларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон МДХда етакчи ўринлардан бирида туради.



– Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда, – деди Ҳиндистоннинг «Kabra» компанияси менежери Ариф Хан.

– Кўргазмада автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, камера, монитор, сенсор датчик каби турли мультимедиа воситаларини намойиш этмоқдамиз, – деди Хитойнинг «Steel mate» компанияси бош менежери Томми Занг.

Юртимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳаларга замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётди. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастурига кўра, автомобилсозлик соҳасида хорижийдан қилинган қўллар, ўта сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўлаб қўшма корхоналар ташкил этилди.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда «Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси давом этмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон расмлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси, «Устазода» бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма-ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ уста-хунармандларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш жараёнида хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси», «Bazar-Art» каби маданий лойиҳалар, турли кўргазмалар ва кўрик-танловлар уларнинг ижод намуналарини юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш, ёш истеъодларни аниқлаш, «Уста-шоғирд» мактабини янада самарали йўлга қўйиш имконини бераётди.

Кўргазма-ярмаркада каштачилик, тўқимачилик, чеварлик, кулолчилик, қандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, гилам-дўзлик каби йўналишлардаги миллий хунармандлик намуналари намойиш этилмоқда.

Марғилонлик Матлуба Исмолова тўқиган афрас матолар юртимиз ва хорижда жуда қадрланади. Хунарманд кўргазмада ўзи тўқиган афрас, шойи каби миллий матоларнинг кўллаб турлари билан иштирок этмоқда.

«Bazar-Art» кўргазмаси маҳсулотларимизнинг Малайзия, Япония, Жанубий Корея сингари давлатларда ҳам хариддориги бўлишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди М.Исмолова.

(ЎЗА)

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Республика «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур фестивалнинг якуний босқичида иштирокчилар санъатнинг турли йўналишларида ўз истеъдод ва маҳоратини синовдан ўтказдилар.

Пойтахтимиздаги «Истиклол» санъат саройида «Янги авлод – 2010» республика болалар ижодиёти фестивали совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг жисмонан етуқ, юксак салоҳиятли ва маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғриси-

2010 йил — Баркамол авлод йили

ИСТЕЪДОД, ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ

«Янги авлод – 2010» республика болалар ижодиёти фестивали якунланди.

да»ги қарори ижроси доирасида қад ростлаётган ва капитал тазмирланаётган юзлаб болалар мусиқа ва санъат мактабларида миң-миңлаб фарзандларимиз: миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг яхши намуналарини баҳраманд бўлмоқда, замонавий мусиқа асбоблари, ўқув ва мусиқа ускуналарини асосида таълим олмақда.

мида мазкур фестивалда гойиб бўлган ижрочи ёшлар Франция, Германия, Россия, Украина каби давлатларда бўлган халқаро танловлар, фестиваллар, концертлар, бандий кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этди.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар иштирок этган фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи юксак савияда ўтди. Утган йили мазкур фестивалда ўн саккиз миң нафар ўқувчи-ёш қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони йигирма уч миң нафардан ортди.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Қиш фаслида иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёт бормунча ортиб бориши билан ёнғин хавфи ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 15 ноябрдан 15 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши эълон қилинди.

да ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдан иборат. Азиз юртдошлар! Ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ҳамда ўз шахсий мулккингиз, жумладан уй-жойингизни ёнғиндан асраб, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини ҳам таъминлаган бўласиз.

ЖАҲОН МУСИҚАСИ ЁШЛАРИМИЗ ИЖРОСИДА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида буюк рус композитори Пётр Чайковскийнинг 170 йиллигига бағишланган ижодий концерт дастури бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Тадбирда мусиқа олий даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси вакиллари рус композиторининг жаҳон мусиқа санъатидаги ўзига хос ўрни, санъат оламига қўшган муносиб ҳиссаси, ўлмас асарлари ҳамда фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

Table with 3 columns: №, Таълим муассасаси номи, Манзили. Contains 6 rows of job openings in various educational institutions.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: 1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: 1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза. 2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси. 3. Сўровнома (справка-объективка).

«Осиё ўйинлари-2010»

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ
ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ

қатарлик Муҳаммад Ас-Саид, ҳиндистонлик Кришнан Шашикиран ҳамда қозғистонлик Дармон Саидвақосов билан дуранг ўйнади. Яна бир гроссмейстеримиз Антон Филиппов тезкор шахмат бўйича 5,5 очко билан кучли ўнликдан жой олди. Хотин-қизлар ўртасида халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова ҳам беш ярим, Нодира Нодиржонова эса беш очко жамғарди.

Тажрибали спортчимиз Владимир Тўйчиев велотрек бўйича қитъада тенгсиз эканини исботлади. Тўрт йил

«Гуанчжоу-2010» дастуридан жой олган слаломда эшак эшиш бўйича каноэчиларнинг жуфтлик беллашувларида Алексей Зубарев ва Алексей Наумкин дуэти учинчи натижани қайд этиб, бронза медал соҳиби бўлди.

2002 йили Жанубий Кореяда ва 2006 йили Қатарда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган ўзбекистонлик боксчилар учун Гуанчжоудаги беллашувлар ҳам омадли бошланди. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Шахриёр Исоқов дастлабки жангда

баҳсида иштирок этган 21 ёшли спортчимиз қувайтлик Султон Ал-Мутаирини 6:5, қозғистонлик Айбар Дуссенбоевни 4:3, қатарлик Моҳир Аҳмад Саадни 7:6, вьетнамлик Там Тхан Дуонгни 5:1 ҳисобида енгди ва мусобақани иккинчи ўринда яқунлади.

Оғир атлетика бўйича 85 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Мансур Чашеминов ҳам терма жамоамиз ҳисобида навбатдаги кумуш медални қўшди. Тажрибали полвонимиз Штангани даст қўтаришда 172, силтаб кўтаришда 200, жами 372 килограмм натижа билан шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олди.

Спорт гимнастикасининг хода устида машқ бажариш тури бўйича ўтказилган яқкалик мусобақасида қатнашган Луиза Галиулина 14,350 балл жамғариб, бронза медалига сазовор бўлди.

Сув полоси бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси ҳам илк марта табиқ совиндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртларимиз Хиндистон терма жамоасига қарши учрашувни 20:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, Осиё ўйинларининг бронза медалига эга бўлди.

Шунингдек, боксчимиз Хуршид Тожибоев дастлабки учрашувда Шарқий Тимор вакили Энрике Боргесни мударидан олдин — учинчи раундда мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга ўтди. Икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев эса хитойлик Жиантинг Жангдан 8:7 ҳисобида устун келди. Теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида қатнашаётган Нигина Абдураимова ҳамда Сабина Шарипова дуэти вьетнамлик теннисчилар — Ан Лам Тран ва Маи Хюни 6:0, 6:2 ҳисобида енгди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси газнасига биринчи олтин медални дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди. Олтмиш килограмм вазн тоифасида халқаро дзюдо федерацияси рейтингда етакчилик қилаётган Ришод Собиров финал учрашувига қадар вьетнамлик Тонг Нат Нуен, макаолик Кин Ваи Вонг, ҳиндистонлик Навжот Чана, Пекин Олимпиадаси чемпиони Чой Мин Хо (Жанубий Корея) устидан галаба қозонди.


Ҳал қилувчи жангда Ришод япониялик Хироаки Хираока устидан уч дақиқада соф галабага эришиб, Осиё ўйинлари голиби бўлди.

Дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасидаги бахсларда қатнашган Ўткир Курбонов филиппинлик Томохио Хошина, покистонлик Хусайн Шоҳ, қозғистонлик Улан Рискүлни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг

учинчи погонасидан жой олди.

Гуанчжоудаги Осиё ўйинларининг дзюдо мусобақаси ҳамюртларимиз учун муваффақиятли яқунлади. Эркалар ўртасидаги мусобақаларда қатнашган саккиз нафар дзюдочимизнинг барчаси совиндор бўлди: битта олтин, тўртта кумуш ва учта бронза медал жамғарган Ўзбекистон эркалар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар баҳсида Рима Бердикулова бешинчи, Ирода Абдурахмонова еттинчи ўринни банд қилди.

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам рапид — тезкор шахмат мусобақасини мағлубиятсиз яқунлаб, олтин медал билан тақдирланди. 2004 йили жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Осиё ўйинларида тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарди. Р.Қосимжонов мусобақа давомида малайзиялик Мок Це-Менг, индонезиялик Сусанто Мегаранто, вьетнамлик Сон Нгуен ва Лиам Куанг Ле, ҳиндистонлик Шехар Гангули, хитойлик Бу Ксианжини мот қилиб,



муқаддам Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган ҳамюртимиз бу гал шахш натижасини яхшилаб, «Гуанчжоу-2010» мусобақасининг олтин медалига эга бўлди.

Денис Истомин, Мурод Иноят, Важа Узоқов ва Фаррух Дўстовдан таркиб топган теннис бўйича Ўзбекистон эркалар терма жамоаси Вьетнам ва Жанубий Корея спортчиларини 3:0, Япония вакиллари 2:1 ҳисобида енгиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи беллашувда Хитой Тайпейи теннисчиларидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган ҳамюртларимиз кумуш медал билан кифояланди.



мўғулистонлик Тугстог Нямбайрни 9:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кейинги даврада қирғизистонлик Медер Мамакеев билан куч синашадиган бўлди. Осиё чемпиони Санжарбек Раҳмонов эса қатарлик Абдураҳмон Ал-Ҳодий устидан 6:0 ҳисобида зафар кучиб, совиндорлар учун курашнинг давом эттирмақда.

Осиё ўйинларида таэквондо WTF бўйича мамлакатимиз чемпиони Дмитрий Ким кумуш медални қўлга киритди. Вазни 74 килограммгача бўлган таэквондочилар

Қадриятлар

«Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси томонидан «Миллий ҳунармандчилигимиз ривожини — қадриятларимиз бардавонлиги» шиори остида оилавий тадбиркорлар кўргазмаси ташкил этилди.

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

— Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, — деди бирлашма раиси Насиба Миродилова, — асрлар давомида ривожланиб келаётган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигимиз анъаналарини сақлаб қолиш, шу йўналишда фаолият юритаётган устозлар, ҳунармандлар, санъат муҳассисларини, шунингдек ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, қасаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида аҳолининг кенг қатламига жалб этишдан иборатдир.

Тадбирда ҳунарманд аёллар, тадбиркор ва ишбилармон

оилалар ўртасида жойларда ўтказилган танлов голиблари ҳам ўз кўргазмалари билан иштирок этди. Миробод, Сергели, Бектемир, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманлари номидан ташриф буюрган устоз шогирдларнинг ҳунармандчилик намуналари айниқса кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

Бундай кўли гул ҳунармандлар дипломи ва совғалар билан тақдирланди.

Дилсўз ХУСАНОВА, Башорат ЭРҒАШЕВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари

ОНАЛАР АЛЛА
АЙТГАНДА

Республика Байналмилал маданият марказида «Оила» илмий-амалий маркази ташаббуси билан «Баркамол авлод тарбиясида қадриятлар ўрни» шиори остида турли миллат вакиллари «Алла» фестивали бўлиб ўтди.

Она аллеси қақалоқни тинчлантириши баробарида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ бўлиб сингади.

Алла қайси тилда янграшидан қатъий назар инсонни Ватанга садоқат, миллатга эҳтиром руҳида тарбиялашга асос бўлар экан, уни албатта келгуси авлодларга етказиш муҳимдир.

Тадбир давомида, деб хабар беради «Туркистон-пресс», алланинг миллий мерос сифатидаги аҳамияти, халқимизнинг тинч осуда ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришдаги ўрни ҳақида фикрлар алмашилди.

Эргаш ХҲАЕВ

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

ва

«ВЕЧЕРНИЙ
ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2612 нусxada босилади.
Кўзга бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишимиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

12345